2006 YIL 28 IYUL, JUMA

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 91 (7.084). Sotuvda erkin narxda

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида

**Қадимий ва бой тарихи, бетакрор маданияти, буюк сиймолари билан жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган, миллий давлатчилигимиз ва маънавиятимизнинг кўҳна бешикларидан бири бўлган, ноёб тарихий-меъморий обидалар, муқаддас қадамжоларни ўз бағрида асраб-авайлаб келаётган Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик кутлуғ санасини 2007 йилда Мустақиллик умумхалқ байрами билан боғлиқ тантаналар кунларида кенг миқёсда нишонлаш ҳамда юртдошларимиз, хусусан, ёш авлодни миллий ғурур ва ифтихор, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида:**

1. ЮНЕСКО Бош конференциясининг 2005 йил 20 октябрдаги 33-сессиясида Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлаш ва унда ЮНЕСКОнинг иштирок этиши ҳақидаги қарори маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика "Маънавият ва маърифат" маркази, Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳамда кенг жамоатчиликнинг Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлаш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

2. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитаси таркиби, тадбирлар дастури 1- ва 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Самарқанд вилояти ҳокимлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2006-2007 йилларда Самарқанд шаҳридаги тарихий обидаларни таъмирлаш, ижтимоий ҳамда коммунал соҳасида хизмат кўрсатишни ривожлантириш ва ободонлаштиришга доир тадбирлар дастурини 3-иловага мувофиқ амалга оширсин.

4. Ўзбекистон Фанлар академияси, Самарқанд давлат университети, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Самарқанд шаҳрида 2007 йил май ойида «Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни» мавзусида халқаро илмий конференция ташкил этиш, мазкур анжуман ишига мамлакатимиз ва чет эллардаги таниқли олим ва мутахассисларни жалб этган ҳолда, уни ҳар томонлама юксак савияда ўтказиш, шу мавзу билан боғлиқ бадиий-тарихий кўргазмалар уюштириш, конференция материалларини чоп этиш ва кенг ёритиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

Белгилаб қўйилсинки, халқаро илмий конференцияни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар республика бюджети ҳисобидан қопланади.

5. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитаси йилнинг ҳар чорагида ўтказиладиган мажлисларида тадбирлар дастурининг ижросини таъминлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот бериб борсин.

6. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга доир тадбирлар дастурини амалга оширишда ҳомий сифатида қатнашиш истагини билдирган нодавлат ва жамоат ташкилотлари, хорижий ва халқаро тузилмаларнинг ташаббуслари қўллаб-қувватлансин.

7. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган юбилей тантаналарига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

8. Белгилаб қўйилсинки, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тадбирлари ҳамда 2006-2007 йилларда тарихий обидаларни таъмирлаш ишлари билан боғлиқ барча харажатлар ушбу тадбирларни бажаришга масъул вазирликлар, ҳокимликлар ва идораларнинг 2006 йилда шу мақсадлар учун кўзда тутилган, шунингдек, 2007 йилдаги бюджет параметрларида режалаштирилган маблағлари доирасида ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 25 июль



Чуст туманида ғаллачилик ва пахтачиликка ихтисослашган 845 фермер хўжалиги бор. "Ҳабибжон Зияев" фермер хўжалиги ана шулардан бири. Мулкдор Ҳабибжон Зияев фаолиятини 2003 йилда бошлаган эди. Бу йил у пахтадан 45 центнердан ҳосил етиштириш ниятида меҳнат қилмоқда.

**СУРАТДА: фермер Ҳабибжон Зияев даласида.**

Пўлатжон АКБАРОВ олган сурат.

## Куннинг муҳим воқеалари

**● Ўзбекистон Республикаси Президенти «Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисида»ги Фармонларга имзо чекди.**

**● Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий, Бухоро ҳамда Фарғона вилоятлари фаолларининг жорий йил биринчи ярмида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига бағишланган йиғилишлари бўлиб ўтди.**

**● Қашқадарё вилояти марказида мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллиги ҳамда Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдо ярмаркаси давом этмоқда.**

**● Бухоро шаҳрида Халқ оғзаки ижодиётининг ноёб намунаси – аллани тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилган ижрочилар танловининг вилоят босқичи якунланди.**

**● Энг азиз, энг улуғ байрамимиз – мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида "Ўзбектеатр" ижодий бирлашмаси ташаббуси билан Ўзбек Миллий академик драма театрининг бир гуруҳ санъаткорлари Қорақалпоғистонга ташриф буюрди.**

**● Пойтахтимиздаги "Наврўз" никоҳ ва оила маросимлари марказида Ватанимиз мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.**

**● Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят мусиқали драма театрида "Она диёр оҳанглари" республика телевизион фестивалининг вилоят босқичи якунланди.**

**● Россиянинг "Вимм-Билль-Данн" очиқ акциядорлик жамияти Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигига "Газель" русумли реанимация автомобилини топширди.**

**● Бугун пойтахтимизда Хитой кинофильмлари ҳафталиги бошланади. Унда хитойлик киноижодкорлар томонидан яратилган олтита бадиий фильм намойиш этилади.**

**● Тошкентдаги Россия элчихонасида Қозон шаҳрида ўтказилган Татар ёшларининг II Бутунжаҳон халқаро Форумида иштирок этган ўзбекистонлик қатнашчилар билан учрашув ўтказилди.**

*Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?*

# Елкамизга офтоб тегди

***Мустақиллик туфайли ер эгаси бўлган оддий деҳқонларнинг бириман. 50 гектар ерим бор. Асосан пахта, ғалла етиштирамиз. Шукрки, биз деҳқонларнинг ҳам елкамизга офтоб тегадиган, косамиз оқарадиган кунлар келди.***

Ўтган йили хўжалигимиз бўйича 6 миллион сўм соф фойда олишга эришдик. Рости, бир умр далада ишлаб бундай даромадни тушимда ҳам кўрмаганман.

Бу йил яхши ният билан 33 гектар ерга ғалла экқандик. Меҳри мажолимизни қўйиб ишлаб, 65 центнердан ҳосил олдик. Эл хирмонига топширганимиздан ташқари ўзимизга нақд 114 тонна буғдой қолди.

Ҳозирда ғўза парваришини оби-тобида олиб бораяпмиз. Асад ойида кўп йиллик тажрибаларимизни ишга солиб, ҳосилга ҳосил қўшишга ҳаракат қилаяпмиз. Пахтадан ҳам мўл ҳосил олиб, катта даромад эгаси бўлмоқчимиз. Бу гапни дадил айтишимга сабаб, Юртбошимизнинг ғамхўрликлари билан бу йилдан эътиборан ўғит десак ўғит, ёнилғи десак ёнилғи, ҳатто иш ҳақимизни-да даламизнинг тепасига келтириб беришаяпти. Ҳамма шароитларимиз бор, биздан фақат меҳнат. Меҳнатнинг эса уддасидан чиқиб юрган одамлармиз.

Истиқлол бизга шунчалар имкон, эмин-эркинлик берган экан, биз бунга жавобан ерни бойитиб, мўл, сифатли ҳосил олиб, эл-юртимиз фаровонлигига ҳисса қўшиш билан жавоб бераверамиз.

**Ғолиб БУРХОНОВ,**
**Жомбой туманидаги "Қурбонов Бурхон" фермер хўжалиги раҳбари.**

# Қишлоқдан чиққан чемпионман

***Қишлоғимизда спортни севмайдиганлар йўқ ҳисобида. Айниқса, болаларни асти қўяверасиз. Бири футболга, яна бири курашга, бошқаси каратэга ишқибоз.***

Мустақиллик йиллари мамлакатимизда спорт янада ривожланди. Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан нафақат шаҳарларда, балки қишлоқ жойларида ҳам спорт кенг оммалашиб бормоқда, янги иншоотлар қад ростламоқда. Бу билан болалар спорти оммавийлигини таъминлаш учун кенг йўл очилмоқда.

Найман қишлоғимиз Андижон тумани марказидан анчайин олисда. Сўнгги йилларда қишлоғимиздаги мактабларнинг мукаммал таъмирдан чиқарилаётганлиги, шунинг баробарида универсал типдаги қишки спорт залларининг бунёд этилаётганлиги болаларни йил-ўн икки ой спорт билан шуғулланишлари учун кенг имконият яратиб бермоқда.

Истиқлол туфайли қишлоқларимизга ҳам спортнинг замонавий турлари кириб келмоқда. Масалан, қишлоғимизда кикбоксинг тўгараги фаолият бошлаганига кўп бўлганича йўқ. Устозимиз Жасурбек Нўъмоновнинг ташаббускорлиги, ташкилотчилиги туфайли юзлаб мен каби тенгдошларим шарқона курашнинг бу ажойиб турини севиб ўрганяптилар. Ўтган қисқа вақт орасида ўнлаб ҳамқишлоқларим вилоят ва республика миқёсидаги нуфузли беллашувларда совринли ўринларга сазовор бўлдилар.

Қирғизистонда бўлиб ўтган халқаро турнирда иштирок этиб, илк бор шоҳсупага кўтарилдим. Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида эса олтин медални қўлга киритдим. Республикамиз байроғи баланд кўтарилиб, Ўзбекистон мадҳияси янграганда кўзимга ёш келди, рости. Бу чексиз ғурур ва Юртбошимизга миннатдорлик туйғуси эди. Ишончим комилки, қишлоқда болалар спорти янада ривожланаверади. Ўшанда ўзбекнинг Алпомишдек ўғлонлари, Барчинойдек қизлари сафи ортгандан ортиб, улар мамлакатимиз шуҳратини бутун дунёга ёядилар.

**Элдор ПАТИДДИНОВ,**
**кикбоксинг бўйича жаҳон чемпиони.**

# Ортда қолган из яхши

***Гарчи ёшим етмишдан ошаётган бўлсада, тетикман. Ёшлардек қадам ташлайман. Бунинг боиси бор. Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакат равнақи, элу юрт фаровонлиги йўлида хайрли ишлар қилинаётганда биз энди қаридик, давлат бизни боқсин, дейишлик уят бўлади.***

Яқинда Чувуллоқ қишлоғида замонавий бозор қураётганимда кўнглимдан шундай фикрлар бот-бот ўтиб турди. Кимдир менга "Ёшингиз етмишдан ўтган бўлса, ёнингиздан шунча пул сарфлаб, бозор қуришга нима бор?" деди. Ўшанда мен ҳар бир инсон дунёга келиб ортидан яхши из қолдириши кераклиги, ана шунда унинг фарзандлари оталари ҳимматидан ғурурланиб юришлари ҳақидаги фикримни билдирдим. Ахир истиқлол берган имкон ва иқболдан қувонмай бўладими?! Ҳамқишлоқларимга истиқлол шарофати, мустақиллик туфайли эл-юрт фаровон, қишлоқлар обод бўлаётганини бозор яна бир карра эслатиб туришини айтдим. Бозор менинг маблағимдан қурилган бўлса-да, элники, авлодларникида! Наинки бозор, унинг ёнида кўплаб маданий-маиший иншоотлар қуриш ниятидаман. Ана шу эзгу-мақсадларимни амалга оширсам, дунёда ўзимни беҳад бахтиёр ҳисоблардим.

**Ҳасан ЁРЛАЕВ,**
**Чироқчи тумани.**

# Ижрода сусткашлик бўлмасин

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги (2006 йил 11 январ) Қарорига биноан "Ўзмевасабзавотузум-саноат-холдинг"нинг ҳуқуқий вориси сифатида "Ўзвино-саноат-холдинг" компанияси вужудга келди. Президент қарорида ушбу янгиланган компания олдига кўпгина аниқ вазифалар қўйилган.***

Наманганда ташкил этилган минтақавий семинарда водийдаги узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари, агрофирмалар ва қайта ишлаш корхоналарининг раҳбарлари ана шу вазифалар ижроси юзасидан кенгашиб олдилар, ютуқлар, муаммолар ўртага ташланди.

Компания "Ўзвиносаноат-холдинг"га айлантирилгач, тизимдаги корхоналар сони 63 тадан 66 тага чиқди. Шуларнинг 45 тасида узум қайта ишланади. Ёки ўтган йили 55,2 тонна узум қабул қилинган бўлса, жорий йилда бу миқдор 125,3 минг тоннага етади. Бу озми, кўпми?

Биргина Наманган вилоятида 70 минг тоннагача узум етиштириларди. Бутун водий корхоналари ва соҳибкорлар бор-йўғи 16,9 минг тонна хом ашёга шартнома тузишган. Бу мавжуд имкониятлардан жуда оз даражада фойдаланилаётгани далили.

*Жараён*

Виноларимиз сифати ҳақида нима дейиш мумкин? Ўтган йили ялпи маҳсулотнинг бир фоизигина экспортга кетди. Чунки жаҳон бозорида харидоргир узумзорларимиз камайиб кетмоқда, янги плантация барпо қилинмаяпти. Шу билан бирга, фермерлар ва қайта ишловчилар ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, шартнома шартларига риоя этиш, тўлов интизоми долзарб вазифа бўлиб турибди. Меҳнатни рағбатлантиришдек ғоят муҳим масалага эътиборни кучайтириш талаб этилади.

Компания раҳбарияти янги технологиялар олиб келиш, узумнинг харид нархини ошириш устида жиддий бош қотирмоқда. Жорий йилда тизимда фермерлар танлови ўтказилади, номинациялар белгиланди, мутлақ ғолиб "Нексия" автомашинаси билан тақдирланади.

"Ўзвиносаноат-холдинг" компанияси раиси С.Саиджалолов, Наманган вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Ғ.Барноев ва бошқалар ана шулар ҳақида гапиришди, қизғин баҳс-мунозаралар, савол-жавоблар бўлди. Бундай минтақавий анжуманлар энди Қашқадарё ва Тошкентда бўлиб ўтади.

**Рустамжон УММАТОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

*Бугуннинг гапи*

# Билимлилар танлаб олинади

Давлат тест маркази директор ўринбосари Мирзамаҳмуд Тўхтаев билан суҳбат.

**–Олий ўқув юртларига бу йилги умумий қабул квотаси бирмунча ошганлиги кузатилади. Бу таълим даргоҳларида ўқишга бўлган талаб ва эҳтиёжлар қай даражада?**

–Ўзбекистон Президентининг шу йил 2 июндаги "2006-2007 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ мазкур ўқув йилидаги қабул бакалаврлар тайёрлаш бўйича 51604 нафар, магистрлар тайёрлаш бўйича 6500, махсус сиртқи бўлимларга 5665 нафар этиб белгиланган, бу ўз навбатида қабул квоталари ўтган йилгига нисбатан 1329 тага ошганлигини билдиради.

(Давоми 4-бетда)




# Истиқлол – бахтим, саодатим...

II

## Миллий давлат қуриш йўлида

***1992 йил дунё харитасида янгидан пайдо бўлган – Ўзбекистон Республикасининг демократик асосда халқ тарафидан сайланган Президенти раҳбарлигида янги давлатни қуриш, мустақилликни мустаҳкамлаш кайфияти билан бошланди.***

Тарих эсдан чиққани йўқ. Бу эзгу ният, олий мақсадга қарши кучлар ҳам оз эмас эди. Истиқлолни тушунган ҳам, моҳиятига етиб-етмаган ҳам бор эди.

Мураккаб кунларни ҳам бошдан кечирдик. Биласиз, январ ойида анча-мунча кўнгилсиз воқеалар ҳам юз берди.

Истиқлол солномасида 1992 йил учун ажратилган саҳифаларга нисбатан кўпроқ ёзувлар битилган.

14 январь куни мамлакатимиз ҳудудидаги барча ҳарбий қисмлар Ўзбекистон Республикаси тасарруфига олинди. Ўзбекистоннинг ўз Қуролли Кучлари ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 29 декабрдаги қарорига кўра, 1994 йилдан эътиборан шу санани Ватан ҳимоячилари куни сифатида нишонлаб келяпмиз.

(Давоми 2-бетда)




*Қилмиш-қидирмиш*

# Фермер ҳақига кўз олайтирманг

***Баҳром Жўраев Ўрта Чирчиқ туманидаги "Кучлик" нефтбазаси унитар корхонасига қарашли "Қирққизобод" фермерларга ёнилғи қуйиш шохобчасига оператор-қуювчи вазифасига ишга кирди.***

Қараса, унга бу вазифа талайгина имкониятларни яратиб берадигандай. Бунинг учун озгина бошни қотириб, бир неча ҳужжатларни сохталаштирса кифоя. Бундай ишлар эса у учун қийин эмас.

Чунки у аввал ҳам бу каби қинғирликнинг ҳадисини олганлардан эди. Аммо амнистия туфайли жазодан қутулиб қолганди. Бироқ бундан тегишли хулоса чиқармаган Баҳром шу ФЁҚШнинг бошлиғи О.Нурматов ва иккинчи даражали оператори Ж. Отабоевлар билан жиноий тил бириктиришди.

(Давоми 2-бетда)




## Қуюшқондан чиқиб кетишди

**_БМТ расмийларининг таъкидлашича, Исроилнинг Ливанда олиб бораётган жанговар ҳаракатлари қуюшқондан чиқиб кетмоқда._**



Ўтган куни Исроил ҳаво кучлари Ливан жанубидаги Ал-Хиям шаҳрида жойлашган БМТ тинчликпарвар кучлари базасига ракета зарбаларини берган. Оқибатда Австрия, Канада, Хитой ва Финляндия фуқароси бўлган тўрт нафар тинчликпарвар ҳарбийлар ҳаётдан кўз юмган. Бундан ташқари Бирлашган Араб Амирлигидан Ливанга кириб келаётган инсонпарварлик ёрдами ортилган юк машинаси исроиллик ҳарбийлар томонидан йўқ қилинган. Машина ичидаги уч нафар одам ҳалок бўлган.

Қочқинларга айланаётган ливанликлар сони 1 миллиондан ошиб кетди. Уларнинг аксарияти паноҳ топган Тир шаҳрида аҳвол жуда оғир. Шаҳарга озиқ-овқат ва дори-дармон бир неча кундан буён етиб бормаяпти. Саудия Арабистони подшоҳи Абдулла бин Абдул Азиз ал Сауд Исроилни зудлик билан ҳужумларни тўхтатишга чақирди.

- Акс ҳолда минтақада уруш бошланиб кетади, - деди у.

## Ҳамкорликка не етсин

**_Душанбеда Тожикистон, Эрон ва Афғонистон раҳбарлари учрашуви бўлиб ўтди._**

Учрашувда ҳудудий хавфсизлик ва ижтимоий-иқтисодий ҳамкорлик хусусида айрим масалалар музокара қилинди. Эрон президенти Маҳмуд Аҳмадинажод келишувлар якунида уч давлатнинг янада яқинлашуви лозимлиги ҳақида гапирди:



- Ягона тилга эга ушбу уч халқнинг иқтисодиёти, маданияти ва санъати умумий бўлса, давлатларимиз ўртасидаги яқинлик нима учун мустаҳкам бўлмаслиги керак, - деди Эрон президенти.

Келишувлар давомида Эрон ва Афғонистон раҳбарлари Тожикистон президенти Имомали Раҳмоновнинг Панж дарёси ҳудудида йирик Даштижун ГЭС қуриш режасини маъқуллашди.

## Келажакка ишонч йўқ

**_Американинг аксарият аҳолиси келажакка ишончсизлик билан қарашади. NBC News ва Wall Street Journal томонидан ўтказилган сўровномаларга кўра, АҚШнинг 65 фоиз аҳолиси яқин келажакда инқирозга юз тутамиз, деб ҳисоблайди._**



27 фоиз аҳоли эса фарзандлари ўзларидан кўра яхшироқ яшашига ишонади. Сўровномаларда иштирок этганларнинг 61 фоизи АҚШ нотўғри йўлдан кетяпти, деб маълум қилишган.

Яқинда Бостон университети иқтисодчи олимларининг тарқатган маълумотлари американикларни янада хавотирга солиб қўйган. Олимларнинг таъкидлашича, АҚШ яқин йиллардан бошлаб иқтисодий инқирозга юз тутади ва бу ҳол жуда узоққа чўзилади.

## Бойқўнғирдаги ҳалокат

**_Бойқўнғир космодромидан учирилган "Днепр" ердан туриб бошқариладиган ракета ҳалокатга учради._**

Ракета парвоз этгандан сўнг 1,5 дақиқа ўтиб двигателда юз берган носозлик туфайли ерга қулай бошлаган. Ракета бўлаклари Қозоғистоннинг чўлли ҳудудларига келиб тушган. "Днепр" фазога Италия, АҚШ, Колумбиянинг 18 та сунъий йўлдошини олиб чиқиши лозим эди. Шунингдек, унинг бортида Белорусиянинг биринчи сунъий йўлдоши "Белка" ҳам бўлган.



"Днепр" бундан бир ой аввал фазога старт олиши керак эди. Бироқ носозликлар туфайли парвоз қолдирилганди. Айни дамда ҳалокат сабаблари устидан текширув ишлари бошлаб юборилган.

## Америкада жазирама ҳукмрон

**_Калифорнияда кечаётган жазирама об-ҳаво одамларни ҳаётдан олиб кетишда давом этмоқда._**



Штатда иссиқ ва қуруқ ҳавога бардош беролмай ҳалок бўлганлар сони 100 нафарга етган. Маҳаллий ҳукуматни жиддий ташвишга солаётган ҳолат 1,5 миллион аҳолининг электр энергиядан бебаҳра қолаётганидир. Агар тез орада штатда бу вазият бартараф этилмаса, қурбонлар сони ортиб кетиши мумкинлиги айтилмоқда. Бироқ 40 даражадан юқори ҳарорат электрстанцияларни ишдан чиқаришда давом этмоқда. Бундай об-ҳаводан фермерлар ҳам катта зиён кўрмоқда. Уларнинг минглаб қорамоллари қирилиб кетаётир.

## 82 йилга қамалди

**_Испания миллий суди ЭТА гуруҳининг собиқ раҳбарларидан бирига тайинланган қамоқ жазосини 82 йилга оширди._**

40 ёшли Гарсиа Газтела 1996 йил социалист сиёсатчилардан бирига суиқасд қилишда айбдор, деб топилган. Бундан аввалроқ, Газтела яна бир бошқа жинояти - Халқ партиясининг сиёсатчисини ўлдирганликда айбланиб, 50 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган эди. Гарсиа Газтела ЭТАга раҳбарлик қилган вақтида фақат испаниялик сиёсий арбобларга суиқасд қилиб келган.

## Сотилаётган аскарлар

**_"Толибон" ҳаракати жанговар сафини тўлдиришнинг янги йўлини топган. Эндиликда улар оддий фуқароларни эмас, балки Афғонистон миллий армияси аскарларини ўз сафларига жалб этмоқда._**

Хабарларга кўра, толибончилар аскарларга олаётган маошларидан 2-3 баробар кўп пул таклиф этиб йўлдан уришмоқда. Бундай таклифлар натижасиз қолмаётир. Экспертлар тахминича, охирги йилда "толибон" жангарилари сони 2 мингдан 6 минггача кўпайган. Айрим маълумотларда эса уларнинг аскарлари 12 мингдан кўпроқ эканлиги айтилмоқда.



**INTERNET хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.**

# Истиқлол - бахтим, саодатим...

(Боши 1-бетда)

2 март куни Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди. Шўро даврида бу энг нуфузли халқаро ташкилотга собиқ иттифоқ билан бирга Украина ва Белоруссия ҳам аъзо эди. Лекин бошқа республикалар, жумладан, Ўзбекистон аъзо қилинмаган. Бу "Жаҳон аҳамиятига эга масалалар муҳокамасига сенлар қатнашма", дегани эди. Демак, ўшанда "тенглар ичра тенг" эмас эканмиз-да. Бўлмаса, қолган иттифоқдош республикаларни аъзо қилмасликдан кўзланган мақсад нима эди?

Мустақиллик, чиндан ҳам, бизнинг тенглар ичра тенг бўлишимизни таъминлади.

27 март куни Ўзбекистон тарихида илк бор расман Рамазон ҳайитининг биринчи куни Президент Фармонига мувофиқ умумхалқ байрами – дам олиш куни деб эълон қилинди.

9 апрель биз – ўзбекистонликлар учун улуғ саналардан бири эканини кўпларимиз билмас, билсак ҳам, ҳеч айта олмас эдик. 1992 йили худди шу куни ҳозирги Миллий театр ҳовлисида ош тортилди, Соҳибқирон Амир Темур руҳи покига дуойи фотиҳалар ўқилди. Зиёлиларимиз кўзларидаги ғалати бир ҳадик аралаш қувонч учқунлари шундоқ хотирамда қолган. Бу бир йил олдин айтса, ишониб бўлмайдиган гап эди.

Алишер Навоий Баҳоуддин Нақшбандни "увайсий" дейди. XIX асрда яшаган машҳур шоираларимиздан бири – Жаҳонотин ўзига "Увайсий" деб тахаллус қўйган. Хўш, бу сўз нима маънони билдиради?

Шу саволга жавоб излаб, "Увайсий ҳам увайсиймиди?" деган мақола ёзиб, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати"га топширган эдим. Илгари замонларда ўтиб кетган бир улуғ авлиё зотнинг руҳи келиб кимгадир пирлик, яъни руҳий-маънавий устозлик қилса, уни тарбияласа, шу инсон увайсий дейилар экан. Баҳоуддин Нақшбандни Абдухолиқ Ғиждувоний руҳи тарбиялаган. Ҳолбуки, уларни икки асрдан кўпроқ вақт ажратиб туради. Бу Муҳаммад алайҳиссалом даврларида Яманда ўтган, пайғамбарни кўрмай туриб, руҳан у кишидан таълим олган, Уҳуд жангида расулуллоҳнинг тишлари синганидан хаёлан хабар топиб, ўзининг ўттиз икки тишини суғуриб ташлаган Увайс Қаранийга ишора тарзида пайдо бўлган тушунча экан.

Ана энди кеча даҳриёна таълимот ботқоғига ботган одамларга бундай диний-тасаввуфий тасаввурларни сингдириш мушкулотини айтинг. Жамият бу мақолани қандай қабул қилар экан, дея мулоҳаза юритиб турилган бир пайтда – 3 ноябрь куни Вазирлар Маҳкамасининг "Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида"ги Қарори имзоланди. Газета жума куни шу Қарор матнини эълон қилди, кейинги жумада эса "Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги олдидан" деган рукн остида "Увайсий ҳам увайсиймиди?" мақоласи босилди...

Муаллиф ва таҳририят айнан Истиқлол шарофати билан бундай гаплар газета юзини кўраётгани учун шукрона айтишга ҳақли эди.

8 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди. Орадан икки кун ўтиб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат madҳияси тасдиқланди.

Очиғини айтганда, 1992 йил Ўзбекистон Республикаси учун Конституцияни тайёрлаш ва қабул қилиш йили бўлди. Давлат раҳбарининг ўша йили ёзилган "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" асари мазмун-моҳиятида ҳам Конституция яратиш қатъиятлари (принциплари) таҳлили биринчи ўринда туради. Бошқача айтганда, бу асарнинг ёзилиши билан Конституцияни яратиш жараёнлари бирга кечган. Буни унинг охирги саҳифасида битилган мана бу сўзлардан ҳам билиб олса бўлади: "Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси янги жамиятнинг ишончли ҳуқуқий кафолатларини шакллантиради ва мустаҳкамлайди. ...Конституция бизга инсон ҳуқуқлари, озодлик, барқарорлик ва тараққиёт мажмуини ифодалайдиган демократик, ҳуқуқий ва адолатли давлатни қандай қилиб қуриш йўлларини очиб беради".

Шундай бўляпти ҳам.

Конституциямиз ҳозирги замон давлатчилиги ва демократиянинг энг юксак талаблари асосида яратилди. Кейинги йилларда давлатчилигимиз тараққиёти билан боғлиқ равишда киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар уни янада такомиллаштиришга хизмат қилди.

Конституцияни билиш фуқарога нима беради?

Ҳамонки, Конституция давлатимизнинг энг асосий қонуни экан, биз бугун шундай саволни ўртага қўйишга ҳақлимиз. 2001 йилнинг 4 январида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституцияни ўрганиш тўғрисидаги Фармойиши имзолангани бежиз эмас. Конституцияни ўрганиш мамлакат фуқаролари учун ҳамиша долзарб вазифа бўлиб тураверади. Сабаби – ҳар қандай қонуннинг қадри унга амал қилиш даражаси билан ўлчанади. Конституцияга оғишмай амал қилиши учун фуқаролар уни яхши билиши шарт.

Конституциямизда бугун фуқаро эскича қарашларидан воз кечиб, тамоман янги тасаввурларга эга бўлишини таъминлайдиган талай моддалар борки, улар моҳиятини билмаслик амалда замондан орқада қолиш, шу жамият вакили бўла туриб, ундан узилиб яшаш, деган гап.

Барча конституциялар шаклан ҳар қанча бир-бирига ўхшаса ҳам, мустақил давлатнинг Конституцияси миллий бўлади, шуниси билан ажралиб туради. Конституциямиз ҳам жаҳондаги энг илғор умуминсоний, демократик қатъиятларга тўла мос келади, ҳам унда ўзимизнинг миллий тийнатимиз - менталитетимиздан келиб чиқилган моддалар мавжуд.

Хўш, унинг миллийлиги айнан нималарда кўринади? Ота-оналарнинг вояга етмаган фарзандлар учун масъуллиги дунёнинг аксар давлатлари конституцияларида бўлса керак. Чунки ҳамма миллат ва элатда ҳам боласини вояга етказиш, тарбиялаш, оёққа қўйиш муаммоси ва масъулияти бор-да. Конституциямизнинг 64-моддасида айни шу мажбурият қайд этилган. 66-моддадаги мана бу вазифа эса фуқаро зиммасига айнан ўзимизнинг миллий тийнатимиздан келиб чиқиб юклатилган: "Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар".

Бошқа барча қонунлар Конституция асосида яратилади. "Оила кодекси"нинг 108-моддасида Асосий Қонунимизнинг ана шу 66-моддасига таянган ҳолда кексайиб қолган ота-она вояга етгач, меҳнатга лаёқатли фарзанди қарамай, ҳолидан хабар олмай қўйганидан шикоят қилиб, судга ариза билан мурожаат этса, суд фарзандга ота ё онасига алимент тўлаши мажбуриятини юклаши мумкинлиги қайд этилган.

...Мустақил давлат фуқароси жамият билан бирга қадам ташлаши, ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан эмин-эркин фойдаланиши, бурчларини масъулият билан бажо келтириши, шахсий манфаатларини жамият манфаатлари билан уйғунлаштириши, тараққиётдан ортда қолмаслиги, мамлакат ривожига муносиб ҳисса қўшиши учун ҳам унинг қўлида Конституция бўлиши керак.

1992 йил халқимизга шу имконни берди.

**Султонмурод ОЛИМ,**
**Республика "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбари ўринбосари.**

(Давоми бор)

## Қашқадарё томонларда

### Ярим йиллик якунлари

**_Вилоят ҳокимлигида 2006 йилнинг биринчи ярим йиллигида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йил учун белгиланган прогноз кўрсаткичларига эришишга йўналтирилган қўшимча чора-тадбирларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди._**

Унда ўтган даврда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодиёт соҳаларида энг муҳим мақсадли комплекс дастурларини амалга оширилиши, ярим йилликда Инвестиция дастури ҳамда иқтисодиёт тармоқларини ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш даврига тайёрлашнинг бориши тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.Ханов ва Қашқадарё вилояти ҳокими Н.Зайниев нутқ сўзладилар.

### Иқтисодиёт таянчи

**_Шўртан газ-кимё мажмуасининг ишга туширилиши дунёда ноёб табиий бойлик ҳисобланган этан газини хом ашё сифатида хорижга сотилишига чек қўйди._**

Шўртан конларидан қазиб олинаётган газ мажмуада чуқур ишловдан ўтказилиб, хом ашё таркибидан олтингугурт, тозаланган газ, газ конденсати, суюлтирилган газ ва асосий маҳсулот – полиэтилен гранулалари ажратиб олинмоқда. Бу жараён Канада давлатининг Nova Chemicals компанияси технологияси ва лицензияси асосида амалга оширилмоқда.

Катта миқдорда полиэтилен, суюлтирилган газ, конденсат, олтингугурт ва товар газ ишлаб чиқариш қувватига эга мажмуа республикамизда эмас, дунёнинг бир қатор мамлакатларидаги фирма ҳамда компанияларга сифатли маҳсулот етказиб бермоқда.

### Янги ветеринария пунктлари

**_Вилоят ветеринария бошқармасидан маълум қилишларича, Қарши, Касби туманларида иккитадан, Нишон, Чироқчи, Шаҳрисабз ва Яккабоғ туманларида биттадан барча қулайликларга эга янги зооветпунктлар ишга туширилди._**

Келажакда зотли молларни кўпайтириш мақсадида зооветпунктлар негизида 11 та сунъий қочириш пунктлари очилди. Воҳада 13 та аукцион бозори ташкил этилиб, жорий йилнинг ўтган даврида хонадонлар, фермер ва деҳқон хўжаликларига 2530 бош наслли қорамол сотилди. Шунингдек, янги қурилган ва таъмирланган 13 та ем сотиш шохобчалари ҳамда кушхоналар аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда.

**Фахриддин БОЗОРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

*Зарбдор кунлар масъулияти*

# Мақсадимиз ҳосилга ҳосил қўшиш

**_Асад-экинингни ясат, деб ота-боболаримиз бежизга айтишмаган. Худди шу ойда ҳосилга ҳосил қўшиш ҳам, бор ҳосилни йўқотиб қўйиш ҳам мумкин. Ҳозир ғўза кун-тун "ишлаяпти". Бу дегани, парваришни янада кучайтиришимиз керак бўлади. Асаднинг хосияти шунда._**

Фермер хўжалигимиз аъзолари билан кенгашиб, асад ойида амалга ошириладиган ишларимизни қатъий режалаштириб олганмиз. Шу ойда ғўзага камида икки марта шарбат суви оқизамиз. Механизаторимиз бу ишни ишчи органларини "балиқ сирти" қилиб ўраб, культивацияни эҳтиёткорлик билан амалга ошираяпти. Бугунгача пайкалларимизни икки марта чеканка қилган бўлсак-да аъзоларимиз шу кунларда ғўза учини, ён шохларини яна бир бор синчковлик билан чилпиб чиқишяпти. Шу баҳонада ғўза варақланиб бағрига шамол киргизяпмиз. Бу ҳам кўсакларнинг эрта, соғлом етилишида муҳим аҳамият касб этади. Тунгги суғоришга алоҳида эътибор бераяпмиз. Ҳосил зараркунандаларига қарши фойдали ҳашаротлардан фойдаланаяпмиз.

Ҳар бир агротехник тадбирни ўз вақтида сифатли амалга ошираётганимиз сабабли ғўзамиз ривожи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10-15 кун олдинда. Ҳозир ҳар тупида 10-12 тадан кўсак бор. Асад ойида парваришни бир зум ҳам бўшаштирмасдан яна 5-6 тадан кўсак қўшамиз. Шу йўл билан мўл ҳосилга замин яратамиз.

**Толмас ИБОДОВ,**
**Нарпай туманидаги "Толмаспахтакор" фермер хўжалиги раҳбари.**



Ҳозирда 1250 мигоВатт қувват билан ишлайдиган Навоий иссиқлик электр энергияси станцияси Навоий, Бухоро, Самарқанд вилоятларини энергия билан таъминлаб келмоқда.

СУРАТДА: кимёвий тозалаш цехи аппаратчиси Истам Шомуродов иш устида.

**Б.АКРАМОВ олган сурат.**

# Асад суви – асал суви

**_–Ўттиз йилдан бери шу ҳудуддаги хўжаликларда ишлаб келаман, - дейди Пахтаобод туманидаги "Янги турмуш" муқобил МТП раҳбари Йўлдашали Асқаров. –Шунча йиллик тажрибамдан биламанки, ғўзами ёхуд бошқа экинми, айни вегетация даврида сувни қониб ича олмайди._**

Бунинг сабаблари анчагина. Жумладан, сув берадиган асосий манбалар республикамиз ташқарисида. Деҳқонларимиз бунинг оқибатида юз бериши мумкин бўлган қийинчиликларни яхши билишади. Шу боис улар обиҳаётдан тежаб-тергаб фойдаланишга ўрганиб кетишган. Жорий йил "Янги турмуш" мавзесида 486 гектар майдонда ғўза парвариш қилинаяпти. Ҳудудда сув тақчиллиги кузатилмоқда. Ариқ тўлиб сув оқиши бу ердагилар учун доимий орзу. Чунки ҳар қадамда кузатувчи турганда ҳам ушбу ҳудудга секундига 600 литрдан ортиқ сув кирган эмас. Ўтган ўн кунликда насослар анча иш кўрсатди. Айниқса, М-2 каналини сув урганидан чатоқ бўлди. Оқибатда келаётган сув 150 литрга тушиб қолди. Қош қорайиб, ой нури ойдинлашган вақтда Эркинбой Мамадалиев деган фермернинг тошфонар кўтариб, даласига сув етаклаётганлигига гувоҳ бўлдик.

–Ҳозир ҳар туп ғўзада 6-7 тадан тайёр кўсак бор. Ғўзамизни қондириб суғормаётган бўлсак-да, бор имкониятдан фойдаланяпмиз, - дейди Эркинбой бизга юзланиб. –Озгина оромдан кечиб, кечаси ҳам эгатнинг бошида турганлигимиз сабаб ғўзамиз ривожи дуруст.

Ҳасанбой Ҳайдаров, Алишер Қирғизбоев каби фермерлар билан ҳам суҳбатимиз мавзуси сув ҳақида бўлди. Уларнинг уқтиришларича, бу ҳудудда ер ости сувлари шу қадар чуқурдаки, шундан бўлса керак, ғўза ҳеч қачон ғовлаб кетмайди. Кимдир бу ердаги деҳқонлар камида 8-10 бор сув бериб, ғўзасида пахта яратади, деса "ошириб юборманг" дейишингиз тайин. Лекин бу асли ҳақиқат.

–Ерга чигит уруғи тушган чоғидаёқ синоптиклар ва сув хўжалиги ходимлари қийинчиликлар бўлишини айтишган, - дейди вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Одилжон Абдураимов. –Шундан сўнг ҳар томчи сувдан оқилона фойдаланиш бўйича ҳисоб-китоб ишларини бошлаб юбордик. Анчагина ерларимизга сув насослар ёрдамида чиқарилади. Қолаверса, асосий сув манбаларимиз ҳам баҳордан бери тўлиб тошиб кетмади. Ана шундан келиб чиқиб, вилоят бўйича сув таъминоти назоратини кучайтирдик. Ширкатлар ва муқобил МТПларда ҳам ишчи гуруҳлари ташкил этилиб, кечаю-кундуз суғориш ишларини олиб бораяпмиз.

Жорий йилда андижонликлар қарийб 110,2 минг гектар майдонда ғўза парвариш қилишяпти. 30 минг гектар атрофидаги майдонда ғўза кўп кўчат сақлашга асосланган янги усулда парваришланмоқда. Айтиш жоизки, бу усул сувни тежаш борасида ҳам деҳқонларга маъқул келиб турибди. Биз ҳамиша сув муаммо бўлган "Маданият" мавзесидаги бир қатор фермерларнинг янги усулда ғўза парвариш қилаётганликлари туфайли мўлжалдаги кўсакларни барвақт яратганликларига гувоҳ бўлдик.

**Қобилжон АСҚАРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**



# Фермер ҳақига кўз олайтирманг

(Боши 1-бетда)

Улар фермерлар учун бериладиган ёнилғи-мойлаш маҳсулотларни ўзлаштиришни одат қилиб олишади. Фермерларнинг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланишига ҳуқуқ берадиган ёхуд муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатларни қалбакилаштиришга киришишади.

**Мамлакатимизда фермерлик ҳаракатига жиддий эътибор қаратилиб, улар учун қатор қулайликлар яратилаётган айни пайтда бундай жиноятлари билан деҳқонларимиз қолаверса, халқ манфаатига зиён келтирувчи ҳолларга йўл қўймаслик даркор.**

Бунинг натижасида "Абдураҳмон Номозбоев" фермер хўжалиги раҳбари Раҳмон Номозбоев номига расмийлаштирилган 132 минг 400 сўмлик 473 литр дизел ёқилғисини эгасига билдирмасдан ўзлаштиришади. Уддабуронларнинг сохталаштириш ишлари шу билан тугамайди. Аксинча, пинҳона қилинган тадбирларидан ҳеч ким хабардор бўлмаганига ишонишгач, бундай ишларини яна давом эттиришади.

Кўп ўтмай "Умрзоқ ота Убайдуллаев" фермер хўжалиги раҳбари Фарҳод Убайдуллаев ҳам олғирларнинг тузоғига илинади. Яъни фермер Ж.Атабоев ва Б.Жўраевларнинг сохта таклифлари, алдов ва турли баҳоналарига лаққа тушиб, ўзининг ишонч қоғозини уларга қўшқўллаб топширади. Бу каби ишончномаларни ўз фойдаларига ишлатиш ҳадисини олган ва уни суиистеъмол қилишга одатланган фирибгарлар Ф.Убайдуллаевнинг 1290 литр дизел ёқилғисию 39 литр дизел мойини ўзлариники қилади. Бу ҳол фермерда ёнилғи муаммосини келтириб чиқаради.

Бундан ташқари, "Боймоқов Абдурасул" фермер хўжалиги билан "Кучлик" нефтбазаси ўртасида тузилган шартномада ҳам худди шу ҳол такрорланган. Хўжалик раҳбари М.Боймоқованинг дизел ёқилғи сўраб қилган мурожаатларига "Ҳозир маҳсулот йўқ, кейинроқ берамиз", баҳонасида ўз манфаатлари учун 111 литр дизел мойи ва салкам бир тонна дизел ёқилғисини ишлатиб юборган.

Навбатдаги "ўлжа" "Баҳодир Абдужалил ўғли" фермер хўжалиги раиси А. Мамаюсупов бўлди. У шартномага кўра, йил давомида 2066 литр дизел ёқилғисини олиши керак эди. Аммо атиги 1200 литр ёқилғи ололган холос. Шу боисдан режадаги 18 тонна ўрнига тўрт ярим тонна ғалла топширган. 866 литр ёқилғини ўзлаштирганлар эса 242 минг 480 сўмни ўз ҳамёнларига жойлашган.

Умуман олганда, Баҳром Жўраев ва унинг икки шериги – Жуманазар Атабоев, Ортиқбой Нурматовларнинг қилмишлари оқибатида 11 нафар фермер хўжаликлари ҳисобидаги етти ярим тонна ёқилғи ўз эгаларига етказилмасдан қолган. Мамлакатимизда фермерлик ҳаракатига жиддий эътибор қаратилиб, улар учун қатор қулайликлар яратилаётган айни пайтда бундай жиноятлари билан деҳқонларимиз қолаверса, халқ манфаатига зиён келтирувчи ҳолларга йўл қўймаслик даркор.

Бировларнинг мулкини ўзиники қилишга, қинғир йўллар билан бойлик орттиришга интилган бу учала шахс қилмишларига суд ўз хулосасини берди. Уларга нисбатан тегишлича чоралар кўрилди. Ахир ҳар қандай қинғирликнинг бир кун келиб миси чиқиши тайин. Бунга юқоридаги ҳолатлар ҳам яққол мисол бўла олади.

**Қобил АТАХАНОВ,**
**Жиноят ишлари бўйича Қуйи Чирчиқ туман суди раиси.**

